

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ



МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-й  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5  
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44  
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2016 йил 21 апрель  
8/4-309/4-сон

“Deutsche Konstruktion Group”  
Aksiyadorlik jamiyat  
(1260)

“Deutsche Konstruktion Group” mas’uliyati cheklangan jamiyat shaklidagi chet el korxonasi ning ташкилий-хуқуқий шакли ўзгарганлиги сабабли, корхонанинг номи “DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP” Aksiyadorlik jamiyatiga ўзгартирилиб, устави янги таҳирда 2016 йил 21 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан  
ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2016 йил «Нак» куни № — реестр  
рақами билан



«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

«DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP»  
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI  
SHAKLIDAGI CHET EL KORXONASI

ЯГОНА ТАЪСИСЧИСИ –  
«FALK-PORSCHE-TECHNIK GmbH»

Компаниясининг

(Германия Федератив Республикаси)

2016 йил «29» март кунидаги қарорига асосан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

  
ЗУХРИТДИНОВ М.Э.

«DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP»  
AKSIYADORLIK JAMIYATINING  
УСТАВИ  
(янги таҳрирда)

ТОШКЕНТ – 2016й.

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP» Aksiyadorlik jamiyati (бундан бүён матн бўйича «Жамият» деб аталади) «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP» mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi chet el korxonasi ягона таъсисчисининг 2016 йил 29 март кунидаги қарорига асосан масъулияти чекланган жамияти шаклидан акциядорлик жамияти шаклига ўзгартириш йўли билан қайта ташкил қилинган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Жамият аввал Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2012 йил 10 феврал куни №1260-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP» mas’uliyati cheklangan jamiyati shaklidagi chet el korxonasining барча хуқук ва мажбуриятлари бўйича ҳуқукий вориси ҳисобланади.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ номи:

- ўзбек тилида: «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP» Aksiyadorlik jamiyati;
  - рус тилида: Акционерное общество «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP»;
  - немис тилида: Aktiengesellschaft «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP»;
- Жамиятнинг киска номи:
- ўзбек тилида: «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP» AJ;
  - рус тилида: AO «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP»;
  - немис тилида: AG «DEUTSCHE KONSTRUKTION GROUP».

1.3. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, индекс 100058, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Боғишамол кўчаси, 276-уй.

1.4. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@dk-group.uz](mailto:info@dk-group.uz), расмий веб-саҳифаси: [www.dk-group.uz](http://www.dk-group.uz)

## **2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, МАҚСАДИ ВА МУДДАТИ**

2.1. Жамиятнинг ташкил этишдан мақсад фойда олиш учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш.

2.2. Жамият куйидаги фаолият турларини амалга оширади:

2.2.1. Кабель-ўтказгич маҳсулотини, резина-техника буюмларини, компьютер ва бошқа ҳисоблаш техника, майший техника, техник аҳамиятига эга бўлган маҳсулотни ва истеъмол молларини ишлаб чиқариш;

2.2.2. Физика, кимё, ахборот технологиялари, кабель маҳсулотларини ишлаб-чиқариш, ишлаб-чиқаришини автоматлаштириш ва механизациялаш соҳаларида илмий-тадқиқот ва лойиҳалаштириш-конструкторлик ишларини бажариш;

2.2.3. Электротехника ва машинасозлик маҳсулотларини ишлаб-чиқариш, металлга ишлов бериш;

2.2.4. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб-чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб-чиқиш;

2.2.5. Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

2.2.6. Улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш, фирма дўйонларни очиш;

2.2.7. Юқ ташиш хизматларини кўрсатиш;

2.2.8. Божхона омборхоналарни ташкил этиш;

2.2.9. Маслаҳат ва ахборот хизматларни кўрсатиш;

2.2.10. Мехмонхона хизматларни кўрсатиш;

2.2.11. Туризм соҳасида хизмат кўрсатиш;

2.2.12. Умумий овқатланиш хизматларни кўрсатиш;

- 2.2.13. Қурилиш-монтаж ишларни бажариш;
- 2.2.14. Қурилиш материалларини ишлаб-чиқариш;
- 2.2.15. Соғлиқни сақлаш, шу жумладан даволаш, даволаш-профилактика ва даволаш-спорт соҳаларида фаолиятни амалга ошириш;
- 2.2.16. Полиграфия ишларни бажариш;
- 2.2.17. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари билан тъқиқланмаган ҳар қандай бошқа фаолиятни белгиланган тартибда амалга ошириш.

2.3. Жамият қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари билан факат маҳсус рухсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин.

2.4. Жамият фаолият муддати чекланмаган.

### **3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ**

3.1. Жамиятнинг Устав фонди 1.000.000 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларга бўлинган 5.000.000.000 (беш миллиард) сўмни (1.999.720,04 (бир миллион тўккиз юз тўқсон тўккиз минг етти юз йигирма) АҚШ доллари 04 цент) ташкил этади.

Жамият бир дона акциясининг номинал қиймати 5.000 сўм.

3.2. Жамият акцияларининг турлари.

Жамият факат оддий акцияларни чиқаради.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш хуқуқини беради.

Жамият оддий акцияларини жойлаштириш ва улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби ушбу Устав билан белгиланади.

3.3. Эълон қилинган акцияларнинг сони ва номинал қиймати.

Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равишда чиқаришга ҳақли бўлган бир дона акциянинг номинал қиймати 5.000 сўм, умумий номинал қиймати 25.000.000.000 сўм зълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг миқдори 5.000.000 донани ташкил этади.

Жамиятнинг эълон қилинган акциялари ҳақида ушбу Уставда назарда тутилган қоидалар билан боғлик Уставга ўзgartишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

### **4. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ**

4.1. Жамиятнинг устав фонди фақатгина қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

4.2. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан жамият устав фондини кўпайтириш ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор Жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

4.3. Жамият томонидан қўшимча акциялар факат эълон қилинган акцияларнинг ушбу Уставда белгиланган миқдори доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланган бўлиши керак.

4.5. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш тўғрисидаги ёки акциянинг номинал қийматини ошириш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

4.6. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

4.7. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

4.8 Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир кисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

4.9. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва ушбу Уставга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади.

Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

4.10. Жамият устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор килади. Кредиторлар Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига билдириш юборилган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин бажаришини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ заарларнинг ўрнини қоплашини талаб қилишга ҳақли.

4.11. Жамият ўзи жойлаштирган акцияларни акциядорлар умумий йигилишининг жойлаштирилган акцияларнинг бир кисмини олиш ва ушбу акцияларнинг умумий сонини камайтириш йўли билан жамият устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига кўра, шунингдек уларни кейинчалик белгиланган тартибда қайта сотиш мақсадида жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра олишга ҳақли.

4.11.1. Акцияларни олиш тўғрисидаги қарорда куйидагилар белгилаб қўйилиши керак:

- олинадиган акцияларнинг турлари;
- жамият оладиган ҳар бир турдаги акцияларнинг сони;
- акцияларни олиш нархи. Жамият томонидан оддий акцияларни олиш нархи уларнинг бозор нарзига мос равишида аникланади;
- акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати;
- шунингдек акциялар қанча муддатда олиниши белгилаб қўйилиши керак.

- акцияларни сотиб олиниш муддати. Акцияларни сотиб олиш муддати, қайсики 10 кундан кам бўлмаслиги лозим, уларни олиш тўғрисидаги қарорда белгиланади.

4.11.2. Акциядорлар умумий йигилишининг акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида уларни олиш йўли билан Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қабул килинган қарори асосида Жамият томонидан олинган акциялар қонун хужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

4.11.3. Кейинчалик қайта сотиш мақсадида Жамият тасарруфига ўтган акциялар улар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, аks ҳолда акциядорларнинг умумий йигилиши Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим. Кўрсатилган муддатда реализация қилинмаган акциялар бекор қилиниши керак.

4.12. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳукукини бермайди, овозларни санаб чикишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивиденdlар ҳисоблаб чиқарилмайди.

## **5. ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ**

5.1. Жамият ўзи чиқараётган акцияларга уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпик обуна ўтказишга ҳақли

5.2. Жамият томонидан акцияларнинг дастлабки чиқарилишини жойлаштириш муддати Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим. Жамият томонидан Жамиятнинг кўшимча акцияларини ва бошка эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак. Жамиятнинг жойлаштирилмаган акциялари юқорида кўрсатилган муддатлар ўtgанидан кейин қонун хужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши керак.

5.3. Акцияларнинг чиқарилиши мазкур чиқарилишни тўхтатиб туришга олиб келган қоидабузарликлар эмитент томонидан бартараф этилмаган, шунингдек чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган муддатда мазкур чиқарилишдаги акцияларнинг олтмиш фоиздан кам кисми жойлаштирилган тақдирда амалга ошмаган деб эътироф этилади.

Акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорида жойлаштирилган тақдирда уларнинг чиқарилиши, агар жойлаштириш ҳажми мазкур чиқарилишдаги акциялар умумий миқдорининг камида ўттиз фоизини ташкил этса, амалга ошган деб эътироф этилади.

5.4. Жамиятни таъсис этишда унинг акциялари ҳақини тўлаш Жамият таъсисчилари томонидан акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.5. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи Жамият кузатув кенгashi томонидан, қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчilarinинг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

5.6. Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

5.7. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилаётганда Жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида

каор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш Жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

5.8. Жамият томонидан ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли олиш хуқуқига эга. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор акцияларни ўзига тегишли акциялар микдорига мутаносиб микдорда имтиёзли олиш хуқуқига эга.

5.9. Имтиёзли хуқуқни қўлламаслик тўғрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал қилиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал қилиш муддати ушбу қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Имтиёзли хуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати қимматли коғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадаги Жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

## 6. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

6.1. Куйидагилар Жамиятнинг бошқарув органлари ҳисобланадилар:

- 6.1.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- 6.1.2. Кузатув кенгаши;
- 6.1.3. Жамият Бошқаруви.

## 7. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

7.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юкори бошқарув органидир.

Барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлганда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Ушбу Устав билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Бунда ушбу Уставнинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

7.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг ҳисобот умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, жамиятнинг бошқарув аъзолари, ишончли бошқарувчи билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни кайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, шунингдек ушбу Уставнинг 7.4.10-бандига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамият бошқаруви ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ҳисботлари ва бошқа хужжатлари кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилишлардир.

7.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

7.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

7.4.1. ушбу Уставга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ёки уни янги таҳририни тасдиқлаш;

7.4.2. Жамиятни қайта ташкил этиш;

7.4.3 Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

7.4.4. Жамият кузатув кенгашининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

7.4.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

7.4.6. Жамиятнинг устав фондини камайтириш;

7.4.7. ўз акцияларини олиш;

7.4.8. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

7.4.9. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

7.4.10. Жамиятнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда Жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

7.4.11. Жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;

7.4.12. Жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшлиш;

7.4.13. имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида ушбу Уставнинг 5.8-бандида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

7.4.14. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

7.4.15. акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

7.4.16. битим предмети бўлган мол-мулкнинг баланс қиймати ёки сотиб олиниш қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соғ активлари микдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этадиган ҳолларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

7.4.17. agar Жамият Кузатув кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси аффилланган шахс бўлса, аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор қабул қилиш;

7.4.18. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар **Жамиятнинг** бошқаруви ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишига тайёргарлик кўрилаётганда Жамиятнинг кузатув кенгashi қўйидагиларни белгилайди:

- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жойни;

- умумий йиғилишнинг кун тартибини;

- умумий йиғилиш ўтказиши учун жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган санани;

- умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш тартибини;

- умумий йиғилишни ўтказишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхатини;

- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини.

Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

7.6. Акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган сана уни үтказиш тұғрисида қарор қабул килинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва үттиз кундан күп этиб белгиланиши мүмкін эмас.

7.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш тұғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан камида етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан үттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида әзілген килинади, шунингдегі акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказиш тұғрисидаги хабарда күйидагилар күрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш үтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилген масалалар;
- умумий йиғилишни үтказышга тайёргарлик күрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишини үтказышга тайёргарлик күрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) күйидагилар киради:

- жамиятнинг йиллик ҳисоботи;
- жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси;
- жамият кузатув кенгашининг бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал килиш мuddатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мүмкнлиги тұғрисидаги хulosаси;
- жамиятнинг кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тұғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси.

7.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилған жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

7.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади.

7.11. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

7.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш тартиби бўйича қарор ўзида йиғилиш раиси, йиғилиш котиби ва саноқ комиссиясини сайлашни олади ва у овозларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилиги билан йиғилиш кворуми аниклангандан сўнг қабул килинади.

7.13. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул килинади.

7.14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

7.15. Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якупнари бу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

7.16. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартишга йўл кўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чакирилган тақорорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирк фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

Акциядорларнинг тақорорий умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш ушбу Уставнинг 7.7-бандида назарда тутилган муддатларда ва шаклда амалга оширилади.

Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси йингирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофик аниқланади.

## 8. ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамиятнинг кузатув кенгаси жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

8.2.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият бошқарувининг ҳисоботини мунтазам равища эшитиб борган холда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

8.2.2. Жамият акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чакириши;

8.2.3. акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

8.2.4. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

8.2.5. акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

8.2.6. акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал килиши учун масалаларни киритиш;

8.2.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

8.2.8. Жамиятнинг бошқарув органи ташкил этиш, унинг раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тутатиш;

8.2.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

8.2.10. ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

8.2.11. Жамият бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаси зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни бошқарувдан олиш. Жамият кузатув кенгаси ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- 8.2.12. аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- 8.2.13. жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
- 8.2.14. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 8.2.15. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 8.2.16. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
- 8.2.17. Жамиятнинг шўйба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
- 8.2.18. 50.000 (эллик минг) Евродан ортиқ эквивалент суммага эга бўлган шартнома (битим), шунингдек суммасидан қатъий назар Жамиятга тегишли кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларини сотиш, кафиллик ва гаров шартномалар тузишни маъқуллаш;
- 8.2.19. аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор қабул қилиш;
- 8.2.20. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
- 8.2.21. Шакли ва суммасидан қатъий назар Жамият томонидан ҳомийлик кўрсатишни маъқуллаш;
- 8.2.21. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;
- 8.2.22. акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
- 8.2.23. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айрбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.2.24. қимматли қофозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.2.25. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- 8.2.26. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;
- 8.2.27. ушбу Уставга ва қонун хужжатларига мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳал этиш.
- Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг бошқарувига ўтказилиши мумкин эмас.
- 8.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади.
- Жамиятнинг кузатув кенгashi таркиби сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланishi мумкин.
- 8.4. Жамият бошқаруви аъзолари ва Бошқарув раиси Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланishi мумкин эмас.
- Айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг кузатув кенгashi аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 8.5. Жамият кузатув кенгашига сайланайтган шахслар олий маълумотга, иқтисодиёт, бошқарув ёки ишлаб чиқариш соҳаларида камидан икки йиллик иш тажрибасига эга бўлишлари лозим.
- 8.6. Жамият кузатув кенгashi сон таркиби 3 (уч) кишидан ташкил топади.
- 8.7. Жамиятнинг кузатув кенгashi аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш оркали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият кузатув кенгашининг таркибиға сайланган деб ҳисобланади.

8.8. Жамият кузатув кенгашининг раиси, агар Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаш таркибидан кузатув кенгashi аъзолари томонидан сайланади.

Жамиятнинг кузатув кенгashi, ўз раисини кузатув кенгashi аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

8.9. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгashi мажлислинини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, агар жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қилади.

Жамият кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

8.10. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), бошқаруви аъзосининг, шунингдек Жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чакирилади.

8.11. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва ўтказиш тартиби.

Жамият кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгashi мажлиси ўтказиладиган санани белгилайди ва бу ҳақда Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини ҳамда ушбу Уставнинг 8.10-бандига кўра Кузатув кенгashi мажлисини чакириш хукуқига эга бўлган бошқа шахсларни хабардор қилади.

Хабар шакли Кузатув кенгashi раиси томонидан мустақил белгиланади.

8.12. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворумга эга ҳисобланади, агар унда Жамият кузатув кенгашининг камида 3 (учта) аъзоси иштирок этаётган бўлса.

8.13. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

8.14. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Жамият устав фондини кўпайтириш ва ушбу Уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинади.

Жамият кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари teng бўлган тақдирда кузатув кенгashi томонидан қарор қабул қилишда жамият кузатув кенгashi раиси ҳал килувчи овоз хукуқига эга.

8.15. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн қундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;

- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

Жамият кузатув кенгаси мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаси аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

8.16. Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

8.17. Жамият кузатув кенгаси мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамият бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаси акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул килган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамият бошқарувига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## 9. БОШҚАРУВ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш Бошқарув томонидан амалга оширилади. Жамият Бошқаруви ўз фаолиятини «Ижроия органи ҳақида»ги Низом асосида амалга оширади. Жамият Бошқаруви З (уч) аъзодан иборат бўлади.

Жамият Бошқарув Раисини ёки аъзоларини тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилиши мумкин.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра Жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин. Тузиладиган шартноманинг шартлари Жамият кузатув кенгаси томонидан тасдиқланади.

9.3. Жамият ижроия органларини ташкил этиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

9.2. Жамиятнинг Бошқаруви акциядорлар умумий йиғилишининг ва Жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамият Бошқарувининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.3. Бошқарув раиси жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиклайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

9.4. Бошқарув раисининг, жамият бошқаруви аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаси ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамиятнинг Бошқарув раисига, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, шунингдек ишончли бошқарувчининг хизматларига ҳақ тўлаш шартлари жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

9.5. Жамият кузатув кенгаши Бошқарув раиси, жамият бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, шунингдек улар томонидан бизнес режа кўрсаткичларини ва улар билан тузилган шартларини таъминламаган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) хукуқига эга.

9.6. Жамият бошқарувининг мажлисида баённома юритилади.

Жамиятнинг бошқаруви мажлисларини ўtkазиши бошқарув раиси ташкил этади.

Бошқарув раиси жамият номидан барча хужжатларни ҳамда жамият бошқаруви мажлиси баённомаларини имзолайди, жамиятнинг бошқаруви ўз ваколат доирасида қабул қилган карорларга мувофиқ жамият номидан ишончномасиз иш юритади.

## 10. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан бир йил муддатга уч кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

10.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талблари акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан белгиланади.

Айни бир шахс Жамият тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиси мумкин эмас.

10.3. Жамият тафтиш комиссияси ваколати доирасига қуйидагилар киради:

10.3.1. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш;

10.3.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хulosса тузиш, бу хulosада:

- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий хужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишонччилигига доир баҳо;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганилиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун хужжатлари бузилганилиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

10.3.3. Жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун хужжатларининг ва жамият ички хужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хulosани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш;

10.3.4. Жамият молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра хulosани Жамият акциядорларининг йиллик йигилишида кўриб чиқиш учун тақдим этиш.

10.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти якунларини текшириш бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича қуйидагиларнинг ташаббусига кўра амалга оширилади:

- тафтиш комиссиясининг;
- акциядорлар умумий йигилишининг;
- жамият кузатув кенгашининг;
- жамият овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан.

10.5. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

10.6. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

## 11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

11.2. Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин зълон қилиши шарт.

11.3. Ушбу Уставга ўзгартишлар ва кўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги Уставни тасдиқлаш тўғрисидаги карор акционерлар умумий йигилиши томонидан тасдиқланади ва улар Жамият кузатув кенгашининг Раиси томонидан ёки кузатув кенгашининг ваколатли аъзоси томонидан имзоланади.

11.4. Агар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига киритилган ўзгартишлар натижасида ушбу Уставнинг алоҳида қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига зид келадиган бўлса, ушбу қоидалар ушбу Уставга тегишли ўзгартишлар киритилгунга қадар амал қилмайди, ўз кучини йўқотади.

Зуҳритринов мўминхўжа Эркинович  
Жули

2016 йил апрел ойининг 18-куни мен, Тошкент шахар Юнусобод тумани биринчи сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси Иногамова С.Ш., «Deutsche Konstruktion Group» акциядорлик жамиятининг низомида корхона раиси Зухретдинов Муминходжа Эркинович /Zuxritdinov Muminxodja Erkinovich/нинг менинг хузуримда куйган имзосининг хакикийлигини шаходатлайман.

Хужжатни имзоловчининг шахси аникланди, унинг муомалага лаёкатлилиги текширилди, яъни шахсий мулокот давомида унинг муомалага лаёкатлиликлари шубха тутдирмади, ушбу нотариал харакатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёкатсизликлари хакида хеч кандай маълумот йук.

Шунингдек, «Deutsche Konstruktion Group» акциядорлик жамиятининг хукук лаёкати ва раиснинг ваколати - текширилди.

Расмий руйхат китобидан № Б-2576 билан кайд килинди.

13024 сум (ун уч минг йигирма турт) микдорида давлат божи ундирилди.  
6512 сум (олти минг беш юз ун икки) микдорда қўшимча юридик хизмат учун хақ ундирилди.

КАТТА НОТАРИУС



ИНОГАМОВА С.Ш.



Лечатю  
44 листа(ов).  
Нотариус

Маркази  
OLINDI

